



ЧОРСУДАГИ ЧОЙХОНА

(7-кисм)

Бу тонг ҳам аввалгиларидан сира фарк килмасди: вафодор рафикалар ўз жуфти халолларининг елкасини силаб, ё силтаб ишга уйготаётган, катикчи хотинлар коса тўла патнисларини бошга кўйиб, гузар ва чойхоналарга ошикаётган, Чорсу бозори олдида таксичилар мижоз кутиб мудраётган, фаррошлар ўзларининг чўлтоқ супургиларида кўчаларнинг чангини осмонга чиқараётган одатдаги тонг эди.

Мамарайим ака самоварнинг кайнашига махлиё бўлиб, димогида хиргойи килиб ўтирибди:

Дарё тошкин, сувлар тўлкин, ўтолмайман-о,

Отим ориг, манзилимга етолмайман-о.

Одам камлигидан менга юмуш йўк. Кимдир нон ўраб келган бир парча газетани олиб, ўқишга тушиб кетдим.

Шу пайт эшик охиста очилди. Кўк нейлон кўйлакли, йўл-йўл одми шимининг почаларини кирза этик ичига тикиб олган, лекин яп-янги чуст дўппи кийган норгул киши кириб келди. Соколининг ўсиб кетганидан ва шимларидаги лой юкидан якин кишлокдан бозорга тушган бўлса керак, деб тахмин килдим.

У каёкка юришини билмай, эшик олдида бир зум туриб колди. Ташвишли чехрасида тортиниш, кўркув аломатлари бор эди. Кейин Мамарайим акадан бир чойнак чой, нон олди. Шундоқкина пойгакка оёқларини осилтириб ўтирди. Чойни кайтарди, нондан бир бурда ушатиб, иштахасизлик билан чайнай бошлади. Атрофига секин назар ташлаб, билинар-билинемас уф тортди.

Сезиб турибман, нимадандир хафа. Юрагини бўшатгани одам тополмаяпти. Бунакаларни кўравериб, ким хасратини айтмоқчи, ким маслахатга мухтож, бир карашда билиб оладиган бўлиб колганман. Секин ёнига сурилдим. У кўзи билан нонга ишора килди. Хафа бўлмасин, деб бир тишлам нонни огзимга солдим.

– Мана шунака, ука, бу золимларнинг дастидан тугилиб ўсган жойимни ташлаб келяпман хозир. Аммо ўзларини ҳам тавбасига таянтирдим. Холбойнинг кимлигини энди сира эсидан чиқармайди.

Унга ким зулм ўтказган, кимнинг таъзирини бериб кўйди, тушунолмадим. Ахволимни сезди шекилли, у ўзи билан ўзи гаплашгандай яна сўзлай кетди:

– Андишани отини кўркок кўйиб, хурмат килсанг бошингга чикаркан, ит хам тўни эскини копаркан. Хаммасига чидаб келдим. Гаранг деб масхара килсаям чидадим. Йўк, улар инсофга кирмас экан. Сени одам ўрнида кўрмас экан. Ахир курбакаям махлук, боссанг "вак" дейди. Мен хам "вак" дедим. Аламимга чидамай, ўтган куни кечаси учовини хам ўласи килиб калтакладим. Каматиб юбормасин, деб кеча ярим тунда уйга бориб эшикни кулфладиму бу ёкка караб йўлга тушдим. Иш-пиш топарман, ахир оч қолиб кетмасман. Аммо кетиш олдида ота-онам кабрини зиёрат килишга улгурмадим. Шуниси ёмон бўлди.

– Нима бўлди ўзи, Холбой ака, тушунтириброк гапиринг, – сўрадим ундан сабрим чидамай.

– Корақўлда паромчилик килардим. Одамларни Нориндан уёк-бу ёкка ўтказиб кўяман. Агар паром ишламаса, ўттиз чакиримли катта йўлдан юриш керак-да! Мана, ўзингизнинг хабарингиз бор, аввалги куни эрталабданок роса ёмгир ёгди. Ё шахарда кўп ёгмадимиз? Э, бизда шунаканги шовиллатдики, бир пасда кийим-бошинг жикка хўл бўлди. Дарё тўлиб, пишкириб оқа бошлади. Паром занжирини аранг козикка илволдим. Хаво айниса, дардим кўзийди. Бод бор. Ўша куни оёқларим зиркираб, вужудим титрайверди. Елкамни, курагимни нимадир гижимлаётганга ўхшайди. Киргокдаги уйга аранг кириб олдим. Пакирдан бир пиёла сув олиб ичдим. Аъзойи-баданим ёнарди. Аммо юрак кургур яна кўймайди. Ишкилиб сув кўпайиб, паромни окизиб кетмаса гўргайди, дейман. Хоргинликка сўз бермай ташкарига чикиб, паромдан хабар олиб келдим. Ивиган кўйлак устидан пахталик камзулни кийиб, каравотга чўзилдим. Ётибману кўнглим хавотирда. Хаво хали-бери очиладиганга ўхшамайди, ёмгирнинг шашти пасаймаган.

Канча ётганимни билмайман. Кўзимни очсам, атроф зимистон. Танам касалдан тургандай бемажол. Аранг бош кўтариб, дераза олдида кўйилган шамдонни ёкиб кўйдим. Пилигини пасайтириб, яна бошимни ёстикка ташладим. Шу пайт тўкай томондан элас-элас тириллаган овоз эшитилди. Унинг нима эканини англолмай гарангсиб ётдим. Кейин деразадан тушган бир зумлик ёругдан сергакландим: "Кимдир келяпти, шекилли? Оббо, бемахалда дарёдан ўтказиб кўясан, деб туриб олса-я? Ким бўлсаям тобим йўклигини айтаман. Ахир ахволимга тушунар?" деб ўйладим.

Шундоқкина уй олдида матасикл бир тарилладию ўчди. Кейин одамларнинг гўнгир-гўнгир гаплашгани эшитилди. Бошимни кўтариб чаккамга тиралдим. Аввал эшик таккилади. Сўнг гижирлаб очилдию кимдир бош сукди.

– Хой, ким бор? – деди дўриллаган овозда.

– Кираверинг, – дедим аранг.

Кирган одам пакирга кокилиб тушди. Сўкинди. Ёстикка суянганимча шамдонни баландлатиб, бошимни кўтардим. Рўпарамда раиснинг жияни Одил турарди.

– Дарров паромни юргизмасангиз бўлмайди, – деди у ховликиб.

– Ха, тинчликми ўзи? Шундок пайтда-я? – дея хайрон бўлдим.

– Илож йўк! Кани, ўрнингиздан туринг, – деди Одил буйрук охангида.

– Хе, ука, маза кочиб турибди. Аранг ётувдим. Озозингизни эшитиб, бош кўтардим, – дедим ялиниб.

– Дори керак бўлиб колди. Марказга тушмасак бўлмайди! – деди у овозини янада баландлатиб.

– Дармон йўк. Бунинг устига дарё нотинч, – дея мен хам важ кўрсатдим.

– Бўлаколинг, шериклар ивиб кетяпти! – деди у зўрлаб.

Инкиллаб-синкиллаб зўрга ўридан кўзголдим. Ташкарига чиксам, кажавали матасикл

олдида яна икки ўспирин гаплашиб турибди.

– Менга каранг, Одилжон, балки эрталабгача сабр килармиз. Оёгим сира тортмаяпти, – деб рахмини келтирмокчи бўлдим.

– Э, сиз канака одамсиз ўзи? Зарурлигидан бир эмас, уч киши ёмгирда ивиб келдик. Паром ўзи нимага килинган, шунака керакли пайтда хожат чикармаса? – деди у зарда килиб.

– Унчалик шошилинч бўлса, катта йўлдан бориб кўя колинлар, йигитлар. Ахир, мана, араванлар хам бор экан, – ялинишга ўтдим.

– Жинни бўлганмисиз, шунака хавода кайси ахмок бехуда йўл босади! – деди биттаси.

– Ахволим бунака бўлмаганда, жон деб ўтказиб кўярдим.

– Майли-ю, тогам эшитиб колсалар, яна мендан ўпкалаб юрмасангиз бўлди. Кани, паромни юргизинг, кеч коляпмиз. У ёқда бизни кўпчилик кутиб турибди, – деди Одил очикдан-очик тахдид билан.

Ўйланиб колдим. Ха, раиснинг кахри ёмон. Нима бўлсаям, унга рўпара келишдан Худонинг ўзи асрасин. Ахир, ўтган галги воқеа эсимдан чикмаган-да... Ўшанда хам шунака кеч бўлиб колганди. Кун бўйи тиним билмай ишлаб чарчаб, кўзим илинган экан, "Волга"да икки киши келиб, дарёдан ўтказиб кўйишни сўради. Рози хам бўлувдим. Аммо бирининг дўк ургани гашимга тегди. Яхман деб туравердим. Охири улар айланма йўлдан кўприкка караб кетишди. Эртасига раис чакириб олиб, роса таъзиримни берди:

– Ха, бурнинг шишиб колдими? Юрувдинг чоригингни судраб. Энди одам саналиб, хали ноз киладиган хам бўлиб колдингми? Етим, кўнгли синик деса, бошга чикасан. Ўлиб колармидинг ўтказиб кўйсанг, эшшак! – деди.

– Одамларга ўхшаб муомала килишганида... – дедим.

– Хўй, сен ким бўлиб кетдинг, муомала суриштирадиган. Нима, Худоёрхоннинг девонбошисимисан? Ўша Холбой гарангсан-да! Шундок вакилларнинг соясига мен салом бериб юрибману сенга ким кўйди димогдорлик килишни? – дея у баттар тутоқди.

– Уларнинг вакил эканини кайдан билай... – дедим гунохкорона.

– Менга кара, бола, тилинг жа узайиб копти. Ха, кишлокдан кетгинг келяптими? Тагин ох-вой килиб юрмагин, кўрнамак! – раиснинг бу гапи худди жонимни сугуриб олгандай бўлди.

Индамадим. Раиснинг хонасидан бўшашиб чиқдим. Бир кўнглим, бор-е, деб ишни ташлаб кетворгим ҳам келди. Идора олдида бир пас ўйланиб турдим у шаштим пасайди. Бу ердан кетиб ҳам ундан кутила олмайман. Хамма ерда гапи ўтади, пичоги кесади. Бунинг устига, раис сўқди, деб киндик коним тўкилган жойни, ота-онамнинг кабрини ташлаб кетолмайман-ку! Ўзим ўша кишлокликман. Ота-онам эрта ўтган. Биттаю-битта опам эр килиб кетган. Болаликдан кулок огиррок.

Уч йилгача идорада коровуллик килдим. Мехмонларга чой ташидим, раиснинг майда-чуйда юмушларига карашиб юрдим. Бурноги йили паромчи Пирмат буванинг ўрнига ўтганман.

Паромни ҳам бошлаб созлаб кўйгандим-да ўзиям. Илгари уни ишлатиш учун битта моторли кайик оворайкан. Колхоз механиги билан гаплашиб, дарёнинг икки чеккасига трос сим тортдик. Паромнинг уч жойидан унга занжирлаб улаб кўйдик. Энди сал кўзгатсанг, кифоя, окимнинг ўзи паромни суриб кетаверади.

Нимагадир шу иш ёкиб колди. Доим одамларга кераклигингни сезиб тураркансан. Бир кун бўлмасанг, кидириб колишади. Ахир тайёр паром турганда, марказга бориш учун

Ўттиз чакирим йўл босиб, кўприкдан айланиш кимга ҳам керак. Одамлар ҳам кизик. Кечаси демайди, ёгин-сочин демайди. "Кани, мулла Холвой, тахтиравонни бир юргизиб юборинг", "Холвойнинг машинаси зўр-да, бензин ҳам керак эмас, баллони ҳам ейилмайди", "Холвой уйлансанг, келин болани ҳам паромда тушириб келамизми?". Шунга ўхшаган гаплар. Баъзида пинхона кувониб кўяман...

Шуларни ўйладиму паромнинг занжирини кандай килиб бўшатганимни билмай колдим. Йигитларнинг новчаси матасиклни етаклади. Шовкин билан паромга чикишди. Танаси бошка дард билмас, деганларидай, улар хурсанд, менинг аъзойи-баданам калтирайди. Йикилиб колмасам гўргайди, деб ўзимни тетик тутишга уринаман.

Оким тезлагани учун паромни илдам суриб кетди. Тинимсиз шовуллаётган дарёга тикиламан. Аммо кўзимга ҳеч нарса кўринмайди. Шу тобда йигитларнинг вакур-вукур гаплашишию беўхшов кулгилари ҳам кулогимга кирмайди... Дарёнинг кок ўртасида паром занжирлари тортилиб колди. Уларни бўшатаман деб кора терга ботдим. Ахир, ўйлаб кўринг: зимистон, кутурган сув, тинмай куяётган ёмгир, бунинг устига маза чаток..

Нихоят, паром киргокка бориб урилди. Калкиб кетдим. Яхшиям тросни махкам ушлаб колдим, бўлмаса дарёга ағдалиб тушардим.

– Дарров кайтамиз, кутиб туринг, – деди Одил матасиклни ўт олдиранкан.

Атроф янаям вахимали кўринади. Матасиклнинг кизил чирोगи ҳам кўздан гойиб бўлди. Чакмок ялт-юлт килади. Ёмгир бир оз сусайган, бироқ хали тинмаган. Бутунлай шалаббо бўлиб кетдим. Кунишиб, паромдаги тахта соябон тагига кириб турдим. Бошим айланади, вужудим тобора какшаб боради.

Хаёл билан бўлиб уларнинг келганини ҳам сезмай колибман. Йигитлар аввалгидан ҳам хушчакчак кўринар, бири кўйиб, бири кулар эди. Уларни канчалик хурсанд кўрсам, шунчалик жаҳлим чикарди: "Булар дорига келганга ўхшамайди" деган ўй кечди кўнглимдан.

– Мана дорини хам олдик. Сиз бўлса, тихирлик килиб юрибсиз. Осмон узилиб тушмади-ку! Ўртада ишимиз битди. Одам деган бунака кайсар бўлмаслиги керак. Бир-биримизга ишимиз тушиб туради. – Одил тинмай вайсар, гохо елкамга уриб кўяр эди. Хар урганда оёкларимгача титраб кетаман, газабдан тишимни гижирлатаман, холос. Киргокка хам етиб келдик. Одил матасиклни паромдан ерга олиб тушаркан, шерикларига юзланди:

– Йигитлар, акамизни анча овора килиб кўйдик. Хизмат хакига доридан озгина берамизми?

– Бўлмасам-чи! Бунака дорини йигитларнинг хўрози ичади. Акамиз хам хўрозлардан бўлсалар керак! – дея новчаси беўхшов кулди.

– Бу дорининг отини култимитсин дейдилар, бир култимиям шифо. Вах-вах! – иккинчи шериги ўзининг хазилидан хузур килиб, тиззасига шапатилади.

Кўзим тиниб кетди. Муштарим тугилди. Томогимга нимадир тикилди. "Ха, аблахлар, хали шу ахволимда мени арак опкелишга овора килдиларингми? Буни бурнингдан чикармасам, Холбой отимни бошка кўяман!"

Новча алланарсани тимирскилаб, кажавадан термос копкогини топди. Аракни очиб, копкокка куйди-да, менга узатди. Калтираб аракни олдим. Кейин жон-жаҳдим билан аракни новчанинг бетига сочиб юбордим. Новча икки кўли билан юзини чангаллаб колди. Унинг арак билан ювилган башарасини мўлжаллаб, кетма-кет мушт солдим. Новча чалканчасига ағдарилиб тушди. Ўша топда кайдан шунча куч пайдо бўлиб колди, ўзим хам хайронман. Анковсираб турган нариги икковини хам дўппослай кетдим. Одилнинг юзига чунонам каттик солибман-ки, кон аралаш тишини туфлаб ташлади. Якинлашса, мушт туширавердим. Аламидан айниб сўкади, холос.

Кизик устида билинмаган экан, бирданига кўзим тиниб кетди, оёк-кўлим бўшашиб, тиззалаб колдим. Новчанинг кўзгалиб, бўралаб сўккани элас-элас кулогимга кирди. Бошқасини унча эслолмайман. Кўзимни очсам, ерда лойга беланиб ётибман. Аранг-аранг судралиб уйга кирволдим. Аммо бирдан юрагимга гаш тушди. Раис эшитиб колса, омон кўймаслиги аник. Уларнинг ўзидан ўтганини текшириб ўтирмайди, мингта айб топиб мени

каматиб юбориши мумкин. Шундан кўриб, кун бўйи тўкайда бекиниб ётдим. Ярим тунда уйга бориб, янги дўппини, озгина пулим бор эди, шуни олдим уйга тушдим. Яхшиям бахтимга ойимчасини дарё бўйига олиб борган шахарлик йигит учраб колди. Шунинг машинасида эсон-омон келиб олдим. Энди бу ёгига Худо пошшо, бошга нима тушса, кўраверамиз-да, тўгрими, жиян?...

Маънос бош силкидим. Унга рахмим келди. Химоя киладигани бўлмаса, ёш бола хам мушт кўрсатади. Аммо халигиларнинг бошлаб суробини тўгрилаб кўйганидан хурсанд бўлдим. Тўгри-да, андиша килиб канчалик бўйнингни киссанг, шунчалик елкангга чикиб олишади. "Маладес, Холвой ака" деб кўйдим ичимда.

(Давоми бор...)

Ахмад МУХАММАД ТУРСУН